



## O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRINING

### BUYRUG‘I

2021 yil “03” 05

№ 99

Toshkent sh.

#### **Ўзбекистон Республикаси Болалар миллий тиббиёт маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 27 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Болалар миллий тиббиёт маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 523-сон қарори асосида ташкил этилган Болалар миллий тиббиёт маркази (кейинги ўринларда – Марказ) фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида буюраман:

1. Болалар миллий тиббиёт марказига ишга қабул қилиш комиссиясининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазир ўринбосари (У.Сабилов), Марказ (А.Шарипов), Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари раҳбарлари Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош мутахассислари ва маслаҳатчиларининг Марказда тор йўналишлар бўйича маслаҳат ва услубий фаолиятини ташкил этиш бўйича жадвалини тасдиқлаш учун киритсин.

3. Вазир ўринбосари (У.Сабилов), Соғлиқни сақлаш тизими инфратузилмасини ривожлантириш ва эксплуатацияси бошқармаси (Б.Буриев), Инвестиция ва грант лойиҳаларини мувофиқлаштириш бошқармаси (Б.Холмурадов) Марказни Давлат қабулига тайёрлаш учун режани тасдиқлаш ва бино, асбоб-ускуналар ҳамда жиҳозларни Марказ балансига ўтказиш юзасидан Корея томони билан музокаралар ўтказсин.

4. Компаенс, ички аудит ва молиявий назорат хизмати (Б.Хажиханов) 10 кун муддатда Марказ фаолиятини Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган норматив-стандартларга мослаштириш мақсадида Марказнинг бухгалтерия ҳисоботлари ва штат жадваллари ички аудитини ташкил этсин.

5. Иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси (Б.Эргашев) “Болалар кўп тармоқли тиббиёт марказини барпо этиш” лойиҳаси (кейинги ўринларда – лойиҳа) доирасида олиб келинган тиббий асбоб-ускуналар ва жиҳозларга божхона расмийлаштируви учун бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан зарурий маблағлар ажратсин.

6. Инвестиция ва грант лойиҳаларини мувофиқлаштириш бошқармаси (Б.Холмурадов) лойиҳа доирасида иқтисод қилинган маблағлар ҳисобига марказнинг асосланган ҳисоб-китобига асосан юқори ихтисослашган ёрдам кўрсатиши учун керак бўлган тиббий асбоб-ускуналар ва жиҳозлар билан таъминлаш чораларини кўрсин.

7. Корея Республикасининг иқтисодий тараққиёт ва ҳамкорлик жамғармаси иштирокидаги лойиҳани яқунлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан Марказ директори А.Шарипов масъул шахс этиб тайинлансин.

А.Шарипов 10 кун муддатда Корея Республикасининг иқтисодий тараққиёт ва ҳамкорлик жамғармаси иштирокидаги лойиҳани амалга ошириш гуруҳининг собиқ раҳбари (Н.Нематов)дан барча ҳужжатлар тўпламини қабул қилиб олсин, натижаси юзасидан ўрнатилган тартибда ҳисобот тайёрланишини ва вазирликка тақдим этилишини таъминласин.

8. Соғлиқни сақлаш тизими инфратузилмасини ривожлантириш ва эксплуатацияси бошқармаси (Б.Буриев) 5 кун муддатда Марказнинг мавжуд ва қурилаётган биноларидаги камчилик ва муаммоларни ўрганиб чиқиб, уларнинг ечими юзасидан асослантилган таклиф киритсин.

9. Фан ва таълим бошқармаси (Ў.Исмаилов), Кадрлар бошқармаси (М.Саламов) Марказ ходимларининг Корея давлатида малака ошириш даврида ҳамда марказ штат жадвалини тасдиқлаш даврига қадар иш стажидида узилиш бўлганлиги сабабли, иш стажини тиклаш масаласини ҳал этиш бўйича 10 кун муддатда таклиф киритсин.


10. Кадрлар бошқармаси (М.Саламов) Болалар миллий тиббиёт марказига мутахассисларни ишга қабул қилиш юзасидан оммавий ахборот воситалари орқали эълон берилишини таъминласин.

11. Матбуот хизмати (Ф.Санаев) марказ ва марказнинг фаолиятини оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда доимий равишда ёритиб борсин.

12. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бошқармаси (М.Садиқов) бир ойлик муддатда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 27 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Болалар миллий тиббиёт маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 523-сон қарорига Марказга ҳудудий болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари томонидан йўлланма (ордер) бериш тартибини белгилаш юзасидан қўшимча ва ўзгартириш киритиш тўғрисида таклиф киритсин.

13. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари У.Сабилов зиммасига юклансин.

Вазир



А.Хаджибаев

Соғлиқни сақлаш вазирининг  
2021 йил “ 09 ” 09 даги  
99 сонли буйруғига  
илова

**Болалар миллий тиббиёт марказига ишга қабул қилиш комиссиясининг  
ТАРКИБИ**

№	Ф.И.Ш.	Комиссия таркиби
1	А.Шарипов, БМТМ директори	Комиссия раиси
2	Н.Мансурова, ССВ БМҚБ бошлиғи	Комиссия раиси ўринбосари
3	Э.Сатвалдиева, ССВ бош мутахассиси	Комиссия аъзоси
4	Х.Абралов, ССВ бош мутахассиси	Комиссия аъзоси
5	Д.Ахмедова, ССВ бош мутахассиси	Комиссия аъзоси
6	С.Агзамходжаев, БМТМ директор ўринбосари	Комиссия аъзоси
7	К.Хамзаев, БМТМ директор ўринбосари	Комиссия аъзоси